

Махмонов Уктам Аширович,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали "Умумтехник фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

УДК: 378.147:002

МАХМОНОВ У.А. ОЛИЙ ТАЪЛИМДА КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ВА ИМКОНИАТЛАРИ

Ушбу мақолада кредит-модуль тизими ва унинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилиши, аҳамияти, дунё мамлакатларининг таълим тизимида кредит-модуль тизимининг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва афзалликлари ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: кредит, модуль, кредит-модуль тизими, кредит-соат, Болонья шартномаси, Болонья жараёни, ECTS тизими, кредит-модуль тизими имконияти, кредит-модуль тизими аҳамияти.

МАХМОНОВ У.А. ВНЕДРЕНИЕ И ВОЗМОЖНОСТИ КРЕДИТНО-МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЫ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

В статье описывается кредитно-модульная система и ее внедрение, значение в системе образования Узбекистана, особенности кредитно-модульной системы в системе образования государств мира, возможности и преимущества кредитно-модульной системы.

Ключевые слова и понятия: кредит, модуль, кредитно-модульная система, кредит-час, Болонское соглашение, Болонский процесс, система ECTS, система кредитных модулей, кредит-час, возможность системы кредитных модулей, значение системы кредитных модулей.

MAKHMONOV U.A. THE OPPORTUNITIES AND IMPLEMENTATION OF A CREDIT AND MODULAR SYSTEM IN HIGHER EDUCATION

The article describes the credit-modular system and its implementation, importance in the education system of Uzbekistan, the peculiarities of the credit-modular system in the education system of the world, the opportunities and significance of the credit-modular system.

Key words and concepts: credit, module, credit module system, credit hour, Bologna agreement, Bologna process, ECTS system, credit module system, credit hour, opportunities of credit module system, value of credit module system.

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамияти нигоҳида ривожланаётган ва келажаги порлоқ мамлакат сифатида кўзга ташланмоқда. Ўзининг келажаги учун мустақкам пойдевор қуриш ва келажак авлоднинг билимли ва ҳар томонлама етук бўлиб етишишини таъминлаш мақсадида мамлакат таълим тизимида кўплаб ислохотлар ва ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 1999 йил июнь ойида Италиянинг Болонья шаҳрида дунёнинг 29 та мамлакатлари ўртасида имзоланган Болонья декларациясига Ўзбекистоннинг қўшилиши ва таълим тизимига кредит-модуль тизимини жорий этиш борасида ишларни бошлаб юборилишига асос бўлди.

Бугунги кунга келиб, Болонья жараёнида дунёнинг 48 та мамлакатлари иштирок этмоқда. Уларнинг орасида МДХ мамлакатларидан Россия, Украина, Озарбайжон, Молдова, Арманистон, Грузия, Қозоғистон ва Беларусь Республикалари ҳам бор. Марказий Осиё мамлакатлари ичида Қозоғистон Республикаси 2010 йилда Болонья декларациясига қўшилди ва у ушбу ҳудудда ягона бўлиб турибди.

Болонья жараёни – бу Европа мамлакатлари орасида олий таълимни уйғунлаштириш жараёнидир. У тушуниш осон бўлган ва ўхшаш олий таълим даражалар тизимини яратишни, таълимда кредит-модуль тизимига ўтишни, таълим сифатини таъминлашда эркин академик ҳаракатланишни ва Европадаги таълим ҳамкорлигини ўз ичига олади. Қисқа қилиб айтганда, бу Европа мамлакатларининг олий таълим тизимларини уйғунлаштириш, ҳар бир киши учун тенг равишда таълимни таъминлаш, интеллектуал, маданий, ижтимоий, илмий ва технологик салоҳиятни шакллантириш ва мустақкамлаш, таълим сифатини такомиллаштириш жараёнидир¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида кўра, 2017-2021 йилларда олий ва олий таълимдан кейинги таълим тизимида Ўзбекистоннинг Болонья

жараёнига қўшилишига шарт-шароитлар яратилади ва ўқув жараёнига анъанавий тизим ўрнига кредит-модуль тизими жорий этилади.

Ўзбекистоннинг Болонья жараёнига қўшилишининг зарурати замон талабидан келиб чиқиб, бир қанча ижтимоий-сиёсий факторларга ва таълим соҳасида рўй бераётган объектив воқеликлар билан боғлиқдир. Ўзбекистон суверен мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини мустақкамлаб бормоқда, демак у ҳозирги халқаро тараққиёт тенденцияларидан четда тура олмайди. Ўзбекистоннинг Болонья жараёни таълим тизимига қўшилиши унга дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан олий таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтиришни таъминлайди ва мамлакат таълим тизимининг халқаро миқёсидаги рейтингини ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони мамлакатимизнинг олий таълим тизимида янги даврнинг бошланишига ва тизимга бир қатор янгиликларнинг киритилишига асос бўлди. Ушбу Фармонда қуйидагилар белгилаб берилган:

– республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education yoki Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

– олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш;

– халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш ва бошқалар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

Ҳозирги пайтда мамлакатдаги етакчи 33 та олий ўқув юртларида ўқитишнинг кредит-модуль тизимига ўтиш борасида ишлар олиб борилапти ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.

Мамлакатимиз таълим тизими учун янгилик бўлган кредит-модуль тизими, унинг мазмун-моҳияти, тизимда қўлланиладиган атамалар ва тушунчалар ҳамда уларнинг мазмуни, тизимда ўқув жараёнини ташкил этиш борасида кўплаб олимларимиз томонидан қўлланмалар, мақолалар чоп этилмоқда. Жумладан, 2020 йилда Б.Ш.Усмонов, Р.А.Хабибуллаевлар томонидан “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш” номли ўқув қўлланма чоп этилган бўлиб, унда кредит-модуль тизими ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ўқув қўлланмада кредит-модуль тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, турли хориж мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Испания, Швеция, Голландия, Буюк Британия, Япония таълим тизимида қўлланилиши ва ўзига хослиги ҳақида баён этилган. Ўқув қўлланманинг 2-бобида кредит-модуль тизимида ўқиш жараёнини ташкил этишга оид жараёнлар ёритиб берилган. Махсус таълим хизматлари ва ўқув жараёнининг услубий таъминотида оид ҳужжатлар ва бажариладиган жараёнлар ҳам батафсил ёритиб берилган¹.

Тошкент молия институти ректори, профессор Улуғбек Азизов ўзининг “Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари”² номли мақоласида, ТДИУ «Университет 3.0» халқаро ўқув, илмий-инновацион тадқиқотлар маркази директори, и.ф.д., доцент Ш.Мустафақулов ва ТДИУ Таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими бошлиғи, PhD.М.Султоновлар “Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзаллик”³ номли мақоласида кредит-

модуль тизимини жорий этишнинг аҳамияти ва афзалликлари ҳақида ўз фикрларини баён этиб, хулоса ва таклифларини беришган.

Айни пайтда Бельгияда корпоратив ижтимоий масъулият ва барқарор ривожланиш бўйича мутахассис, “NewLinks Global” консалтинги ҳамкори, “Buyuk kelajak” кенгаши эксперти Малика Шарипова Ўзбекистон олий таълим тизимида Болонья жараёнининг мақсадларини амалга оширишга доир ўз фикрларини UzAnalytics.com таҳлилий сайтига баён этиб, Болонья жараёнига қўшилиш шартлари ва мавжуд тўсиқлар, жараёнга қўшилиши Ўзбекистон учун қандай имкониятларни бериши ҳақида фикрларини билдирган.

Россиялик олимлардан А.А.Тимофеев, Н.А.Ушко, М.А.Ярифа “Кредитно-модульная система обучения”⁴ номли мақоласида, Е.М.Рослякова, А.Г.Бисерова, К.Х.Хасенова, Л.М.Байболатова “Модульная система обучения – опыт и перспективы”⁵ номли мақоласида кредит-модуль тизими ҳақида батафсил баён қилишган.

Мақоланинг мақсади.

Ушбу мақолада кредит-модель тизимини жорий этишнинг афзаллиги ва имкониятлари, анъанавий таълимга нисбатан фарқли жиҳатлари ҳамда профессор-ўқитувчилар ва таълим олувчиларга яратадиган имкониятлари ва қулайликлари, кредит-модуль тизимини олий таълимга жорий этишда юзага келувчи муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

лик <http://xs.uz/uzkr/post/kredit-modul-tizimiga-otish-nima-uchun-kerak-maqsad-mohiyat-va-afzallik> Интернет манба. (Манбага 15.09.2020 да мурожаат этилган).

⁴ Тимофеев А.А., Ушко Н.А., Ярифа М.А. Кредитно-модульная система обучения. - Журнал “Современная стоматология”, 1/2013. Стр.134-136. (Манбага 15.10.2020 да мурожаат этилган, муаллиф томонидан таржима қилинган)

⁵ Рослякова Е.М., Бисерова А.Г., Хасенова К.Х., Байболатова Л.М. Модульная система обучения-опыт и перспективы. - Posted September 25th, 2014 by kaznmu & filed under Английский, Инновационные методы обучения. <https://kaznmu.kz/press/2014/09/25/> Интернет манба. (Манбага 18.09.2020 да мурожаат этилган, муаллиф томонидан таржима қилинган)

¹ Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.

² Азизов У. Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. <http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/> i (Манбага 15.09.2020 да мурожаат этилган).

³ Мустафақулов Ш., Султонов М. Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзал-

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Кўплаб кишиларда қуйидаги саволнинг пайдо бўлиши табиий. Яъни: “Кредит-модуль тизимида ўқитишнинг қандай афзаллиги бор? Шу пайтгача биз амалда фойдаланиб келаётган таълим тизимидан қандай фарқи ва устунликлари бор?”. Ушбу саволларга жавоб бериш учун дастлаб кредит-модуль тизими ҳақида, кредит-модуль тизими ва унинг Ўзбекистон таълим тизимида жорий этилишининг аҳамияти, дунё мамлакатларининг таълим тизимида кредит-модуль тизимининг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари ва афзалликлари борасида тадқиқотлар ўтказиш долзарб масала бўлиб турибти.

Кредит-модуль тизими - бу таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади¹.

Кредит - модуль тизими – мустақил таълим олишга қаратилган ва индивидуаллик асосида билимни ижодий ўзлаштириш, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда таълим йўлини танлаш ва кредит ҳолида билим ҳажмини белгиловчи тизимдир².

Демак, юқорида келтирилган таърифларни таҳлили асосида умумлаштириб, кредит-модуль тизимига мақола муаллифи томонидан қуйидагича таъриф таклиф этилади:

Кредит-модуль тизими - бу таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модулли технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга йўналтирилган, ўқув жараёнини қатъий белгиланган ҳолда ва меҳнат бозори талабларига мос тарзда ташкил этишга қаратилган, кредит ўлчови асосида баҳолашга асосланган таълим тизими ҳисобланади.

Ўзбекистонда кредит таълим тизимига асосланган миллий моделни ишлаб чиқишда, Европа ECTS кредити ва Америка кредит

соатлари тизимларининг ютуқларини инобатга олган ҳолда юқори таълим сифатини ва дунё таълим жараёнларига интеграциялашиш учун ишончли асосни танлаш мақсадга мувофиқдир³. ECTS кредит тизими кўп миллатли Европа анъаналарини инобатга олган ҳолда турли таълим тизимларини яқинлаштиради.

Кредит-модуль тизимини амалга ошириш сермашаққатли ва мураккаб тизимдир. Кредит-модуль тизимида аҳамият бериладиган асосий масалалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш;
- талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.
- ўқитишнинг модулли технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашини таъминлаш учун фаннинг методик таъминотини янада такомиллаштириш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин (1-расм).


Кредит-модуль тизимининг аҳамиятли томони шундаки, бу тизимда фаннинг ўқув дастури меҳнат бозори талабларини ўрганган ҳолда, шунга мос тарзда тузилади. Ўқув режадаги фанлар икки гуруҳга, яъни мажбурий фанлар ва танлов фанларига ажратилади. Танлов фанлари ўқув режадаги фанларнинг 50%ини ташкил этади, демак талабаларнинг ўзи қизиқадиган ва келажакда керак деб ҳисоблайдиган фанларни танлаб ўқиш имконияти ортади. Кредит-модуль тизимида талабаларни ўқитиш жараёнида ўқитувчилардан ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш талаб этилади ва талабани мустақил таълим олишга йўналтириш лозим бўлади. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, кредит-модуль тизимида талабаларда фанларни ва ўқитувчиларни танлаш ҳуқуқи ҳам пайдо бўлади, шунингдек ўз устида мустақил ишлаш имконияти ортади (2-расм).

Талабага дарс машғулотини ўтувчи ўқитувчилар ҳақида маълумотлар базаси

¹ Мустафақулов Ш., Султонов М. “Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзаллик. - <http://xs.uz/uzkr/post/kredit-modul-tizimiga-otish-nima-uchun-kerak-maqсад-mohiyat-va-afzallik> (Манбага 24.09.2020 йилда мурожаат этилган).

² Ҳасанова М.У., Жуманова М.Ф. Кредит – модуль тизими ва унинг амалиётга жорий этиш тамойиллари (олий таълим муассасаларида математика ўқитишда). - «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020. 264-270 бетлар.

³ Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.

1-расм. Кредит-модуль тизимининг вазифалари¹.

тақдим этилади ва талаба қайси ўқитувчини танласа, шу ўқитувчининг дарсига киради ва тинглайди. Демак, ўқитувчи ўз аудиториясини кенгайтириши ва ўзининг мавқеини янада ошириш учун тинимсиз меҳнат қилиши, изланиши ва интилиши талаб этилади.

Кредит-модуль тизими дунёнинг кўплаб илғор ва ривожланган мамлакатларининг таълим тизимида жорий этилган бўлиб, турли давлатларда ўзига хос хусусиятларга эга. Кредит-модуль тизимининг мақсадга мувофиқ эканлиги унинг дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимида жорий этилганлигидан ҳам кўриниб турибди. Ушбу тизимда таълим дастурларнинг талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилиши уларда ижодий фаолликни ва билим олишга интилишни, адабиётлар ва турли ахборот манбаларидан мустақил фойдаланиш кўникмасини, маълумотларни таҳлил қилиш ва кераклиларини саралаб олиш малакасини шакллантиради. Бу эса таълим сифати ва самарадорлигининг оширишдаги муҳим факторлардан биридир.

¹ Расм мақола муаллифи томонидан чизилган.

Ўзбекистоннинг Болонья жараёнида иштирок этиши ва унинг таълим тизимида кредит-модуль тизимининг жорий этилиши қуйидаги имкониятларни беради:

- мамлакатдаги ОТМларга хорижий мамлакатлар ОТМлари билан алоқаларни кенгайтиришни таъминлайди;

- Болонья жараёнига қўшилиш Ўзбекистонга Европа таълим тизимидан фойдаланиш, дипломлар ва малакаларнинг профессионаллигини эътироф этиш, кредит тизими (ECTS) ва диплом иловасини жорий этиш, таълим сифатини баҳолаш, талабалар ва факультетларнинг академик уйғунлигини амалга ошириш ва узлуксиз таълимни таъминлашга имкон беради;

- Болонья жараёнида иштирок этиш республика учун таълим хизматлари рақобатбардошлигини ошириш, олимлар ва ўқитувчиларимиз малакасини оширишга, халқаро таълим соҳасидаги Ўзбекистоннинг ўрнини мустақамлаш учун зарур шарт-шароит яратишга асос бўлади²;

² Шарипова М. Болонья жараёни нима? Интернет манба. 2 март 2019 йил. <https://uzanalytics.com/jamiyat/%20manbaga/21.09.2020-da-murojjaat-etilgan>

2-расм. Кредит-модуль тизимида талаба фаолияти¹.

– таълим оловчиларга ишчи ўқув режага киритилган танлов фанларини танлаш, бу орқали индивидуал ўқув режасини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини, шунингдек ўқитувчини танлаш имкониятини беради;

– олий ўқув юртларида ўқитишнинг кредит тизимини жорий этиш натижасида фанлар бўйича билимларни унификациялаш (бирхиллаштириш), баҳолашда субъективликни бартараф этиш, педагогларнинг ўз устида кўпроқ ишлаши, рақобат муҳитини яратишга эришилади;

– дипломларимизни халқаро майдонда тан олиниши, келгусида умумий Европа таълим майдонининг бир қисми бўлиш имконини беради;

– индивидуал таълим йўналишининг танлов имкониятини, бакалавр, магистр ва докторантларнинг академик эркинлигини таъминлашга ёрдам беради.

¹ Расм “Эл-норт умиди” жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан ҳамкорликда чиқарилган В.Ўриновнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунчалар ва қоидалар” номли қўлланмасидан олинди ва муаллиф томонидан ўзгартиришлар киритилган

Таҳлил ва натижалар.

Кредит-модуль тизими олий таълимда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларга ва талабаларга қандай имкониятларни беришини қисқача таҳлил қилиб чиқайлик.

Қуйидаги жадвалда анъанавий таълим ва кредит-модуль тизимини айрим хусусиятларининг ўзаро солиштириш орқали уларнинг ўхшаш томонлари ва фарқли жиҳатлари берилган (1-жадвал).

Хулоса ва таклифлар.

Хулосалар:

Олий таълим тизимида:

– республикамиз олий таълим тизимига кредит-модуль тизимини жорий этишда миллатимизнинг ўзига хос хусусиятлари ва миллий менталитетни эътиборга олиш лозим;

– бу тизимини жорий этишда ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, таҳлил қилиш асосида улардан самарали фойдаланиш керак;

– фанларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредит-модуль тизимига жойлаштириладиган фанларнинг методик таъминотини яратиш, яратилганларини таҳлил қилиш ва аниқланган мавжуд камчиликларни

1-жадвал. Кредит-модуль тизими ва анъанавий таълим ўртасидаги айрим тафовутлар¹

| Объектлар ва субъектлар | Анъанавий таълимда | Кредит-модуль тизимида |
|---|---|---|
| Намунавий ўқув режалар | Бакалаврият таълим йўналишларининг намунавий ўқув режалари 4 блокдан иборат бўлади: 1) гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки; 2) умумқасбий фанлар блоки; 3) ихтисослик фанлар блоки; 4) қўшимча фанлар блоки Ҳар бир блокдаги танлов фанлари миқдори-15-20% атрофида | Бакалаврият таълим йўналишларининг намунавий ўқув режалари 4 блокдан иборат бўлади: 1) гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки; 2) умумқасбий фанлар блоки; 3) ихтисослик фанлар блоки; 4) қўшимча фанлар блоки. Ҳар бир блокдаги танлов фанлари миқдори-50% атрофида |
| Баҳолаш тизими | 5 балли рейтинг тизими | Кредит-соат тизими |
| Ўқув ишлари ҳажмининг ягона ўлчов бирлиги | 1 академик соат (45 минут) | Кредит-соат (Credit hour) ёки кредит (Credit) |
| Профессор-ўқитувчилар | Профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент лавозимлари бўлиб, улар маърузачи ва амалиёт ўқитувчи-ларига бўлинади. | Assistant Professor, Associate Professor, Professor лавозимлари бўлиб, улар лектор ва тьюторларга бўлинади. |
| Фанлар | Мажбурий ва танлов фанларига бўлинади. Танлов фанлари миқдори нисбатан анча кам фоизни ташкил этади | Мажбурий фанлар (Core Subjects) ва танлов фанлари (Elective Courses) га бўлинади. Танлов фанлари миқдори 50% ни ташкил этади. |
| Диплом | Халқаро миқёсда тан олинишида катта муаммолар мавжуд. | Халқаро миқёсда бевосита тан олини-ши таъминланади. |
| Мустақил ўқиш тури | Мустақил таълим - ўқув режага киритилади, соатлар белгиланган, дарс жадвалида кўрсатилмайди. Бажарилиш турлари – реферат, модел ва макет тайёрлаш, мустақил конспект тайёрлаш ва б. | Office Hours – талаба ўқитувчи раҳбар-лигида аудиториядан ташқарида бажара-диган мустақил иши бўлиб, талабанинг дарс жадвалида кўрсатилмади. Бажарилиш турлари – реферат, модел ва макет тайёрлаш, мустақил конспект тайёрлаш ва б. |
| Талабанинг ўтказилиши босқичга | Талабанинг кейинги босқичга ўтказилиши фан бўйича ўтказилган якуний назорат ишида олган баллига асосан амалга оширилади. | Ўртача балл (Grade Point Average - GPA) – талабанинг фанларни ўзлаш-тиришининг ўртача баҳоси (фанлар бўйича кредитларнинг рақамли эквивалентларга кўпайтмалари йиғиндиларининг ўқув давридаги умумий кредитлар сонига нисбати) - талабаларни кейинги босқичга ўтказиш учун қўлланилади. |
| Талабанинг имкониятлари | Фанларни ва ўқитувчиларни танлаш имконияти жуда паст, чет эл олий ўқув юртларида ўқишни бевосита давом эттириш имконияти йўқ. | Фан ва ўқитувчиларни танлаш имконияти юқори даражада. Чет эл олий ўқув юртларида бевосита ўқиш имконияти мавжуд. |

бартараф этиш чора-тадбирларини тезда ишлаб чиқиш зарур;

– шаффофликни таъминлашга, яъни талабаларнинг таълим жараёнларига тааллуқли бўлган барча маълумотларни талабаларга олдиндан, аниқ, тушунарли, тўлиқ ва шаффоф тарзда етказишга алоҳида эътибор қаратиш;

– таълим дастурига мувофиқ мажбурий ўқитиладиган ва танлов асосида ўқитиладиган фанлар, уларнинг мазмун-моҳияти, талабага билимларни ўрганишга қўйиладиган талаблар ёки баҳолаш мезонларини ва дарс ўтувчи профессор-ўқитувчилар ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Жадвал мақола муаллиф томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Таклифлар:

- кредит-модуль тизими билан таништириш ва бу тизимда фаолият юритиш асослари ҳақида ОТМ профессор-ўқитувчилари ва талабалар билан доимий тарзда тренинглар, семинарлар, мастер-класслар ва баҳс-мунозаралар уюштириб бориш;
- ОТМлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- кредит-модуль тизимида талабаларнинг вазифалари, бурчлари ва ҳуқуқлари ҳақида махсус қўлланма тайёрлаш;
- кредит-модуль тизими, унинг мазмун-моҳияти, ўқиш жараёнининг бориши, баҳолаш тизими ҳақида ота-оналар учун қисқа ёзма маълумотномалар тайёрлаш ва ота-оналарга етказиш, улар билан узлуксиз мулоқотда бўлиб туриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
2. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. - 120 бет.
3. Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов) / [Текст] /. Государственный университет управления, Центр качества [сост. О.В. Давыдова, В.И. Звонников, М.Б. Челышкова]. – М.: ГУУ, 2010. – 50 с.
4. Ҳасанова М.У., Жуманова М.Ғ. Кредит – модуль тизими ва унинг амалиётга жорий этиш тамойиллари (олий таълим муассасаларида математика ўқитишда). - «Oriental Art and Culture» Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020. 264-270 бетлар.
5. Тимофеев А.А., Ушко Н.А., Ярифа М.А. кредитно-модульная система обучения. - Журнал “Современная стоматология”, 1/2013. Стр.134-136.
6. Рослякова Е.М., Бисерова А.Г., Хасенова К.Х., Байболатова Л.М. Модульная система обучения-опыт и перспективы. – Posted September 25th, 2014 by kaznmu & filed under Английский, Инновационные методы обучения. [https://kaznmu.kz/press/2014/09/25/ %D0%BC%D0%BE%D0](https://kaznmu.kz/press/2014/09/25/%D0%BC%D0%BE%D0) (Манбага 18.09.2020 да мурожаат этилган, муаллиф томонидан таржима қилинган)
7. Шарипова М. Болонья жараёни нима? - <https://uzanalytics.com/jamiyat/%d0%b1%d1%83%d1%8e%d0%ba-d0%ba%d0%> (Манбага 23.09.2020 да мурожаат этилган).
8. Мустафақулов Ш., Султонов М. “Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? Мақсад, моҳият ва афзаллик. - <http://xs.uz/uzkr/post/kredit-modul-tizimiga-otish-nima-uchun-kerak-maqsad-mohiyat-va-afzallik> (Манбага 23.09.2020 да мурожаат этилган).
9. Баракаев Н. Муаммо ва ечим: «Кредит-модуль тизими». - <http://uza.uz/oz/society/муаммо-ва-echim-kredit-modul-tizimi--08-08-2020> (Манбага 24.09.2020 да мурожаат этилган).
10. Азизов У. Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. - http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ECTION_ID=161&ELEMENT (Манбага 24.09.2020 да мурожаат этилган).